

Қандай ҳолатларда ходимларнинг иш ҳақларидан ушлаб қолиниши мумкин?



Ходимларга лозим даражадаги иш ҳақини тўлаш, уларни иш ҳақи билан ўз вақтида таъминлаш ҳар бир иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Профессионал меҳнат шартномасига эга ходим, бажарган иши ва кўрсатган хизмати учун муносиб иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга. Ходимларга иш ҳақини тўлаб бериш масаласида эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд бўлиб, бу ходимларнинг иш ҳақидан қонунчиликда белгиланган тартибда маълум фоизларни ушлаб қолишни назарда тутди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ходимларнинг иш ҳақиларидан ушлаб қолиш аввало, уларнинг ёзма розилигини талаб этади. Агар ходимларнинг ёзма розилиги бўлмаса, уларнинг иш ҳақиларидан ушлаб қолиш мумкин эмас. Ўз навбатида, шундай истисно ҳолатлар борки, ходимларнинг иш ҳақиларидан ушлаб қолиш учун уларнинг розилиги талаб этилмайди.

Шу маънода, қуйидаги ҳолларда, ходимнинг ёзма розилигидан қатъи назар, иш ҳақидан ушлаб қолиш амалга оширилади:

- 1) солиқлар ва йиғимларни ундириш учун;
- 2) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш учун, шунингдек ваколатли органларнинг қонуний талабларини бажариш учун;
- 3) ходимнинг иш ҳақи ҳисобига берилган бўнак уйғунликда ушлаб қолиниши, бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганлиги муносабати билан хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига берилган, сарфланмаган ва ўз вақтида қайтарилмаган бўнакни ушлаб қолиш, ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган суммаларни қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи бўнакни қайтариш, қарздорликни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёки тўлов нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ушлаб қолиш ҳақида буйруқ чиқаришга ҳақли. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим бўнакни тўлаш учун ушлаб қолиш асосларига ёхуд миқдорига эътироз билдирса, қарзни тўлаш суд тартибида амалга оширилади;

4) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаса;

5) ходим қайси иш йили ҳисобига таътил олган бўлса, ўша йил тугагунига қадар меҳнат шартномаси бекор қилинганда таътилни ишлаб берилмаган кунлари учун;

6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ходимга ортиқча тўланган иш ҳақи (шу жумладан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нотўғри қўлланилганда) ундан ундирилиши мумкин эмас. Бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

- ҳисоблашдаги хатолик;

- агар якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи орган томонидан ходимнинг меҳнат нормаларини бажармаганликдаги айби эътироф этилган бўлса;

- ходимнинг суд томонидан белгиланган ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) сабабли ходимга ортиқча иш ҳақи тўланган бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинмайдиган тўловлардан ушлаб қолишлар амалга оширилиши мумкин эмас.

Ҳар бир тўлов чоғида иш ҳақидан ушлаб қолинган маблағларнинг умумий суммаси ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг эллик фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни, шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақини ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазодан ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликдан ушлаб қолиш миқдори ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг **етмиш фоизидан ошиши мумкин эмас.**

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманларо суди судяси Р.Тиллаев